



ИШОНЧ

50



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

ҲАММА НАРСА ҲИМОЯГА БОҒЛИК

ХОЗИРДА ҳар соҳада йилга яқун ясаётган бир пайтда корхона, хўжалик ва ташкилотлар маъмурият билан касаба уюшмалари ўртасида йил бошида тузилган жамоа шартномалари ижроларининг ҳам яқини чиқарилаёпти. Меҳнатчиларнинг ҳимоя ҳужжатларининг бандларини бажарилиши юзасидан рўёбга чиқарилган ишлар сарҳисоб қилинаёпти. Айни пайтда эса келаси йил учун ҳам янги шартномаларни тайёрлаш кизгин бораёпти.

Андижон мебель фабрикаси жамоа шартномаси 28 банддан иборат бўлиб, унинг аксарияти мебелсозларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишга мўлжалланган.

— Корхонамизда ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши, маҳсулот турларининг кўпайиши, мебелларимизга бўлган талаб ва эҳтиёжлар мунтазам ортиб бориши натижасида, — дея ҳикоя қилади биз билан суҳбатда корхона касаба уюшмаси кўмитаси раиси Алишер Каримов, — даромад ва соф фойда олиш тобора кўпаяпти. Бу билан ишчилар маошнинг ошириб бориши таъминланмокда. Фабрика жамоаси аъзолари турмуш тарзини яхшилаш, иш шартларини талаб даражасида бўлиши таъминлаш, фахрийлар ва кам даромадли оилаларни қадрлаш, маданий-мансий кулайликларни яратиш, дам олиш ва сўхатгоҳлар тармоғини кенгайтириш йўли билан ишчилар салматликларини мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар очиб берилмокда. Фабрикада 430 киши меҳнат қилади. Корхона ошхонасида ишчи ва хизматчиларга таомлар 50 фоиз арзонга сотилади. Фабрика ишчиси мебелни умумий нархдан 30 фоиз арзонга сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Жамоа шартномамизда қариялар, ногиронлар, кам даромадли оилалар ҳақида эътиборда бўлишлари кўрсатилган. Бизда 21 нафар пенсионер, 7 Улуғ Ватан уруши иштирокчиси бор. Уларни ҳар байрам, ҳар кутлуг кунларда эслаб-совға-салом ва пул билан тақдирлаб келамиз. Пенсияга чиқаётганларга иш стажининг ҳар бир йили учун 1000 сўмдан мукофот пули берамиз. Масалан, 35 йил ишлаб пенсияга ўзатиладиган мебелчи 35 минг сўм қўшимча пул билан тақдирланади.

Биз ҳозирда 32 моддадан иборат янги йил учун жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаб муҳокамадан ўтказмокдамыз. Унда ҳам асосий эътибор ишчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган. Ҳимояда гап кўп. Бу ишлаб чиқариш уюмдорлигини оширишнинг бош мезонидир.

Т. АЛИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

БАЙРАМ ШАРАФИГА

ЯКИНДА Ҳамза номидоги Академик драма театрида республикамыз ижтимоий таъминот соҳаси ходимлари ҳамда Тошкент ҳуқуқшунослик ижтимоий-таъминот техникуми жамоаси Ўзбекистон Конституциясининг бир йиллигини тантанали нишонладилар.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-таъминот вазири ўринбосари К. Саидов, техникум директори М. Ниёзов, тарих фанлари номзоди, ўқитувчи Т. Тошпўлатов, талаба? Комилжонов ва бошқалар сўзга чиқиб, Мустақил Республикамызнинг инсонпарвар Конституцияси ҳақида, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги одилона ҳатти-ҳаракатларимиз борасида сўзлаб, талабаларни чин дилдан билим олишга, келажакнинг доно, зукко ҳуқуқшунослари бўлиб ётишига чақирдилар. Шундан сўнг бир гуруҳ талаба ва ўқитувчиларга байрам муносабати билан пул мукофотлари ва фахрий ёрликлар топширилди.

«Ишонч» мухбири.



Тошкент чинни заводи маҳсулотларининг довуғи бутун жаҳонга маълуми машҳур. Бу ерда тайёрланаётган чинни буюмларнинг бежирим бўлишида гул чизиш цехи безакчиларининг алоҳида хизмати бор, албатта.

Суратда: Сайёра Раҳмонова «Гавҳар» номли сервис чинниларига гул чизмокда.

Даврон АХМАД олган сурат.

Хабарлар мағзи



● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Конституциясининг бир йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги Халқлар Дўстлиги саройида байрам тантанаси бўлиб ўтди. Унда республикамыз Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади.

● **ТОШКЕНТДАГИ** «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Конституция кўни арафасида мамлакатимизнинг бир гуруҳ фуқароларини тақдирлаш тўғрисида фармон чиқарди.

● **МАМЛАКАТИМИЗ** Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллиги муносабати билан авф этиш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.

● **РЕСПУБЛИКАМИЗ** Президентининг «Республика театр артистларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини яхшилаш тўғрисида»ги Фармонида жавобан бир гуруҳ санъаткорлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовга миннатдорчилик мактуби йўлладилар.

● **ХАЛҚ** депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг бўлиб ўтган сессиясида ташкилий масала кўрилди. Вилоят ҳокими С. Сайдалиев пенсияга чиққанлиги муносабати билан ўз вазифасидан озод қилинди. Тошкент вилояти ҳокими этиб Мирзамурод Икромов тасдиқланди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади.

ХАЙРЛИ ИШЛАР СОҲИБИ

НАМАНГАН трикотаж фабрикаси қошидаги чойхона ошпази Абдуллажон Жалоловни анча йилдан бери биламан. Камтар, камсуқум йиғит. Илгари аравали мотоцикл ҳайдарди. Шароит тақозосига кўра мактабни яримлатмасданок меҳнатга берилган Абдуллажон кўп ҳунарлар қаторида калкир ушлаши ҳам эгаллаб олган эди. Корхонанинг турли йиғин ва тадбирларидаги эпчиллигини кўрган жамоа тушилик оқат тайёрлаш вазифасини топширибди. Энг муҳими, у ширин сўзлиги, катта-кичикка бир хил илиқ муомила қилишлиги билангина эмас, инсофлиги, диёнатлиги, етим-есирларга муруватлилиги билан ҳурмат қозонди.

Абдуллажон Жалоловдаги олижаноб фазилат тўғрисида шаҳардаги 1-туғруқхона бош ҳақими Латвон Турсунованинг ҳам қўйидаги ҳикоясини тинглаганман:

— Икки-уч йил олдин ғалати воқеа юз берди, — деган эди аёл. — Утганларни ёдга олиш, ота-она қабрини зиёрат қилиш ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчи. Шу сингари биз ҳам онамиз ҳоки-пойини тавоф этгани чиққандик. Бу ердаги аҳвол эса ҳайратга солди. Қабр таъмирларидан ташқари ён-вери суяриб-сидирилган ва атрофига қора райхон билан чиннигул экиб қўйилган эди. Бу аравачали мотоцикл минадиган йиғитнинг хизмати эканлигини билдиришди. Ўша кишини ахтариб бир қабр ёнида куйганиб юрган чоғ учратдик. У райхон билан гул ниҳолларига сув келтириб қўётган экан.

— Марҳум кимингиз бўлади, онангизми ёки отангизми?

Йиғит жим турди. Сўнгги кўзларига ёш олиб деди:

— Мен учун улуг зот эдилар. Бошланғич синфда ўқитиб, билим бердилар, кўзимни очдилар. Вафот этиб кетган онам ўрнида волида-ю муҳтарам сифатида мангайимни силаганлар. Илми-шарифлари Ҳикматхон ая Маматова. Тасодифан шу ерда қўйилганликларини эшитиб қолдим.

— Муаллимингизнинг фарзандларини танийсизми?

Йиғит афсусланиб бош чайқади.

— У маҳаллар бола эдик, суриштириш ҳаёлимизга келибдими?

— Мен ўша аёлнинг қизлари бўлман, — дедим-да, нича пул олиб қўнгасизга солдим. — Оқибатингиз учун миндан-минг раҳмат!

Абдуллажон сакраб турди.

— Муаллимизга нисбатан меҳримни пулга чақманг, онажон. Сиздек олам борлиги менга туганмас давлат...

А. Жалоловнинг 26-болалар уйидаги бир гуруҳ қорасидани ўз оталигига олганлигидан дарак топқандим. Унинг ўзидан бу ҳақда сўрадим.

— Бунинг тарихи узун, — дея суҳбатдошим хомши тортди.

Онадан барвақт айрилганман. Шу боис қаровчисиз гўдакларнинг бошини силайман, деб дилимга тўғиб қўйгандим. Мана, ўн икки йилдирки, ушбу етимхонага қатнайман. Менга ўғил-қиз бўлганларнинг талайгинаси воёга этиб, ҳаётдан ўз ўринларини топиб кеттиди. Ҳозир ҳам олти ўғил-қизни оталигимга олганман. Ҳар ой икки-уч марта бориб кўрмасам, кўнглим жойига тушмайди. Галма-галдан уйимга олиб кетаман.

АБДУЛЛАЖОННИНГ Косонсойдаги қариялар уйига ҳам қатнашлигидан хабарим бор.

— У ерда туғинган ота-оналарим бор, — деб қўяди у гурурланиб. — Агар узоқ бормай қолсам ҳавотир олишиб, фабрикагача кўнгироқ қилишади.

— Кунларнинг бирида бозорга кираверишда, беҳол турган қарияга Абдуллажоннинг кўзи тушади.

— Иссикдан лоҳас тортиб, ўтириб қолган эди. Абдуллажон рўмолчасини беморнинг боши остига қўйди. Сув келтириб пенсиясини ҳўллайдиди-да, қолганини оғзига томизади. Кексанинг сийрак киприклари пирпирайди.

— Асли камлик кўрма, болам. Юрагим заифроқ, мазам қочибди.

Унамаганига қарамай мотоцикл аравачасида уни уйига олиб кетади. Маълум бўлишича кекса фарзанд кўрмаган. Кампир оламдан ўтеач, қариялар уйига жойлашган. Кийим-кечак сотиб олиш учун бозорга тушган экан.

— Сизни энди ўзим парваришлайман, — дейди Абдуллажон. Чол кўнмайди:

— Саҳоватингга офарин, ўғлим. Менга ўша жой дуруст. Негаки, тез-тез тобим қочади. Ҳар қалай дўхтирлари бор.

Бир ҳафта ўтмасдан нича майда-чўда қилган йиғит Косонсойга боради. Фармон ота баҳонасида тагин уч-тўрт оқсоқол билан танишади.

— Тўғри, улар мен олиб борадиган нарсалар қараб қолишмаган, ҳаммаси нафақа олишади, — дейди А. Жалолов. — Лекин қалби келтик торган ўрнини оз бўлса-да меҳрим билан тўлдиришга уринаман.

Дунё турфа хил одамлар билан тўла. Лекин Абдуллажон Жалоловдакалари камдан-кам, назаримда. Ҳозирги мураккаб кунларимизда ҳам ана шундайлар топилаётгани, биз билан ёнма-ён яшаётганлигини сезиб, қувониб кетасан киши. Ҳа, Абдуллажон сингари хайрли ишлар соҳиблари орамызда ҳамини бор бўлсин!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА бозор иктисодиётига ўтиш даврида содир бўлаётган ижтимоий воқеалар билан бирга жамоат ташкилотларининг, хусусан улардан энг оммавийси бўлмиш касаба уюшмаларининг ўқувчи ёшлар ва талабаларга бўлган муносабатини ўзгартиришга ҳам зарурат туғилмоқда. Шу сабабли яқинда касаба уюшмалари вилоят кенгаши ҳузурда вилоят олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги касаба уюшма кўмиталарининг мувофиқлаштирувчи кенгаши ташкил этилди. Маъмур кенгаш ўқув юртларида таҳсил олаётган йигит ва кизларнинг тарбиявий, маданий-маърифий ва бошқа муаммолари билан шуғулланмоқда. Кенгаш Раёсатида Карши давлат

сининг муовини Я. Норов, вилоят санитария эпидимология станциясини бўлим бошлиғи М. Чўлиев, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитасининг бўлим мудури С. Зиёдовлар киритилганлар. Хакамлар ҳайъати ётоқхоналардаги ободончилик ишларига, улардаги жиҳозларнинг аҳволига, талабалар кенгашининг фаолиятига алоҳида эътибор беради. Кўрик уч босқичда ўтказилади. Ётоқхоналарнинг аҳволини ва уларда яратилган шароитларни объектив баҳолаш имконини яратади. Энг яхши ётоқхоналарни мукофотлаш учун касаба уюшмалари вилоят кенгаши зарур маблағларни ажратди.

ТАЛАБАЛАРНИ ҚўЛЛАБ...

университети талабалар касаба уюшмаси кўмитасининг раиси Ш. Бобожонов (раис), Карши тиббиёт билим юрти касаба уюшмаси кўмитасининг раиси А. Кенжаев, Шаҳрисабз кишлок хўжалигини механизациялаш коллежи талабалар касаба уюшмаси кўмитасининг раиси Т. Очилов ва Ўш қалалар сайланганлар. Кенгаш ўз фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб олди. Унинг иш режасига ўқув юртларининг маъмурияти ва касаба уюшмалари ўртасидаги битимларнинг бажарилишини назорат қилиш, маданий-маърифий, спорт ва бошқа тадбирлар ўтказиш, талабаларни соғломлаштириш каби бир қатор масалалар киритилган.


Кенгаш ҳозирда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалар ётоқхоналари кўригини ўтказмоқда. Кўриқни ўтказишдан мақсад талабалар ётоқхоналаридаги шароитни яхшилаш ва шу билан уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишдир. Бу эса ўқув-тарбия жараёнининг асосий вазифаларидан биридир.

Кўриқни ўтказиш учун хакамлар ҳайъати ташкил этилган бўлиб, унга халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмалари вилоят кўмитаси раиси

Кенгаш амалга оширишга киришган тадбирлардан яна бири яқинда бўлиб ўтган талабаларнинг Халқаро кўни билан боғлиқ. Ушбу байрам кўнини мазмунли ўтказиш мақсадида касаба уюшмалари вилоят кенгаши 200 минг сўм маблағ ажратди. Бу кўнига атаб маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда бошқа тадбирлар уюштирилди. Ўқув юртларининг ҳаётида фаол иштирок этган, шунингдек дахтга йиғим-терими давомида самарали меҳнат қилган ўнлаб талабалар касаба уюшмалари вилоят кенгашининг Фахрий Ерликлари билан тақдирландилар. Нефть ва газ ходимлари касаба уюшмалари вилоят кўмитаси раиси А. Нарзуллаев томонидан эса энг илғор теримчи-талабалардан 10 тасига ўн минг сўмдан пул мукофоти берилди.

Ўйлаймизки, мувофиқлаштирувчи кенгашининг юқоридаги тадбирларни ва режалаштирилган бир қатор хайрли ишлари ўқувчи ёшларнинг муаммоларини ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшади.

Маҳсуда ҲАЛИЛОВА,
Қашқадарё вилояти касаба
уюшмалари кенгашининг
етакчи мутахассиси.



Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикиб чиқараётган костюм-шимларга талаб тобора ортиб бормоқда. Корхонада йиллик режа ортиги билан адо этилмоқда. Моҳир тикувчи Раъно Абдуллаева ўз ишининг устаси. У костюмни сўнги пардоздан чиқармоқда.

Козимжон УЛМАСОВ олган сурат.

БАЙРАМОНА КАЙФИЯТ

«ЎЗБЕКТУРИЗМ» миллий компаниясининг Жиззах бўлими жамоаси режа асосида иш олиб бориб, фаолиятларини ҳар тарафлама кенгайтирмоқдалар. Натижада йиллик даромад режасини 224,6 миллион сўм ўрнига 238 миллион 900 минг сўмга урдаладилар. Бу режа муддатидан олдин — Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни — Конституция қабул қилинган кўнинг бир йилдиги арафасида бажарилгани жамоага байрамона кайфият бағишлади. Хизмат ишини яхши йўлга қўйиш ҳисобига жамоа ҳозирга қадар 39,3 миллион

сўм соф фойда кўрди. «Ўзбектуризм» миллий компаниясини Жиззах бўлими жамоаси Осие мамлакатларига сайёҳлар жўнатмоқдалар. Улар янги саёҳат йўлларини очишга эришмоқдалар. Жамоа маъмурияти. Хиндистон, Туркия, Покистон, Эрон каби мамлакатларга ҳам саёҳат йўлларини очдилар. Вилоятда «Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоаси йил охиригача яна 900 миллион сўмлик хизмат кўрсатиш учун фидокорона меҳнат қилаётдилар.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» муҳбири

...Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири Конституцияга бевосита боғлиқдир».

И. А. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси ўзининг Асосий Қонуни — Конституциясини 1992 йил 8 декабрь кўни Ўн иккинчи қақирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида қабул қилди. Шундай қилиб, халқимизнинг ва давлатимизнинг ҳақиқий мустақиллиги Олий юридик кучга эга бўлган қонун даражасида мустаҳкамланди. Ушбу қонун орқали биз янги демократик ҳуқуқий давлат пойдеворини қурганлигимизни жаҳонга намоеъ қилдик. Энг асосийси «у жаҳон майдонда янги суверен давлат — Ўзбекистон давлати дунёга келиб, фаол яшаётгани ва меҳнат қилаётганидан дарак беради».

(И. А. Каримов, «Ўзбекистон келажаги буюк давлат». 43-бет).

Конституцияни яратиш жараёнида Республикаимиз Президенти Ислам Каримовнинг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида инсон ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилишга тегишли бўлган 20 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар, ривожланган хорижий давлатларнинг Асосий Қонунлари синчиқлаб ўрганиб чиқилди ва улардан давлатимизнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ижодий фойдаланилди.

Асосий Қонуннинг халқчиллиги, унинг ҳақиқий демократия андозаларига мослиги ва ҳуқуқий давлат куриш дастури эканлиги шунда кўриндики, уни лойиҳасини яратишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган барча қондаларига амал қилинди. Шунингдек, ривожланган демократик мамла-

катлар, хусусан, АҚШ, Япония, Канада, Олмония, Франция, Португалия, Италия, Швеция, Туркия, Испания, Хиндистон, Покистон ва бошқа давлатларнинг Конституция тажрибасидан ижодий фойдаланилди.

Сиёсий, иктисодий ва маънавий мустақил давлатнинг турли хил соҳалар бўйича вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган яхши қонунлар ва қонун ости актлари бўлиши зарурдир. Ушбу қондан тўғри талқин қилган ҳолда

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ ҚОМУСИ

Республикаимизда сўнги уч йил ичида 80 дан ортиқ қонунлар: жумладан, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун актларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 6 та қонун, суд ҳақидаги, давлат турар-жой фондларини хусусийлаштириш, ветеринария, ҳавфсизлик, давлат хизмати, милиция, дипломатик ваколатхона раҳбарларини тайинлаш ва қақриб олиш ва дипломатик даражалар ҳақидаги ва бошқа қонунлар тайёрланди ва қабул қилинди.

Асосий Қонуннинг устуңлиги шундаки, бошқа барча қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ ҳолда қабул қилинади.

Мустақил давлатимизни халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида жаҳондаги аксарият давлатлар юридик томондан тўлиқ тан олди. Ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистон

жаҳоннинг 70 дан ортиқ давлатлари билан дипломатик ваколатхоналар айрбошлаш ҳақида шартномалар имзолади.

Ватанимиз пойтахтида бир қатор мамлакатларнинг, хусусан, Туркия республикаси, АҚШ, Буюк Британия, Хиндистон Республикаси, Эрон Ислам Республикаси, Франция, Тунис, Олмония ва бошқа давлатларнинг элчихоналари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон қайта куриш ва таракқиёт Банкининг вақиллари ҳам ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар.

Ўз навбатида давлатимизнинг дипломатик ваколатхоналари қардон

зар дахлсиз суверен ҳуқуқлардир. Умум тан олинган тамойилларга биноан халқ давлат учун эмас, балки давлат таққунуни яшайди. Шу билан барча халқ Конституция учун эмас, балки Конституция халқ учун яратилади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини эълон қилиш ҳамда уни қонуний мустаҳкамлаш билангина чегараланмасдан ҳар бир давлат бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга оширилишини моддий жиҳатдан таъминлаш ва унинг оғишмай амалга оширилишини кафолатлаши лозимдир.

Давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати ҳамда бу сиёсатни амалга оширувчи ваколатли идораларнинг ва шахсларнинг энг асосий вазифаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя ва ҳурмат қилишдир. Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари жорий қонунлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар орқали бажарилиши таъминланмоқда.

Хуллас, мустақил давлатимиз Президенти Ислам Каримов қайд қилганидек, халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақиллиқни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, таракқий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрнини эгаллаши биз кўзлаётган олий мақсаддир. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси бунинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ахтам ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия
Вазирлиги бошқармасининг бошлиғи,
юридик фанлари номзоди.

Исматулла МАМАНОВ,
Тошкент юридик коллежи директори,
юридик фанлари номзоди.



СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш соҳаси республика ҳукумати ҳамда барча бўғиндаги касаба уюшмаларининг диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Бу борада медицина ходимлари кўрсатаётган беминат хизматни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Муҳбиримиз Жиззах вилояти, Пахтакор тумани Марказий касалхона бош ҳакими Ширинбой Саидов билан учрашиб, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш иши районида қандай йўлга қўйилганини сўзлаб беришни сўради.

— Оналар, болалар бизнинг шодлигимиз, ифтихоримиз, бахтимиз, икболимиз — дейди Ш. Саидов. Биз оилавий турмушимизни, кундалик ҳаётимизни, ичимиз мазмунини она ва боласиз тасаввур этаолмаймиз. Халқимиз «болали уй бозор, онали уй — ҳаёт жаннати» дейишди. Она пире бадавлатлиги ҳам, фарзанднинг ўсиш-улғайиши ҳам, бола камолоти ҳам азиз ва табаррук инсон, буюк зот — она тугайлидир. Шу сабаб ҳамisha она олдида таъзимдамиз. Ҳамиша онани улуглаймиз, эъзозлаймиз. Оналарга, болаларга, ҳолис хизмат кўрсатиш, соғлигини муҳофаза этиш тиббиёт ходимларининг муқаддас бурчи ва шон-шараф ишидир.

«Оналикни ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш республика ҳукумати, шахсан хурматли Президентимиз И. А. Каримовнинг доимо эътиборида турибди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уни маънавий, ахлоқий, жисмоний жиҳатдан тарбиялаш, унга ватанпарварлик, Ўзбекистонга меҳр-муҳаббат туйғусини синдириш борасидаги хизматларни рағбатлантириш мақсадида, шунингдек болалар манфаатлари йўлида ҳайрия фаолиятини ривожлантириш ишида фаол иштирок этганлик учун республикамизда «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилганлиги фикримизга ёрқин мисолдир. Оналик ва болаликни муҳофаза этиш бўйича яқинда республика миқёсидаги катта анжуманининг Пахтакор шаҳрида ўтказилганлиги тиббиёт ходимларимиз меҳнатига берилган юксак баҳо дейиш мумкин. Туман ҳокимлиги ва Жиззах вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг кўмаги тугайли туман Марказий шифохонаси, «Самарқанд» кишлоқ участка касалхонаси, Қичанов ва Ульянов номи кишлоқ врачлик амбулаториялари, сил касалликлари диспансери тўлиқ таъмирланди. Мавжуд шифохоналар учун 1,7 миллион сўмлик юмшак ва қаттиқ жиҳозлар, тиббиёт асбоб-ускуналари сотиб олинди.

Бугун шунини фахр ва ифтихор билан айтганимиз, туманимиз тиббиёт ходимлари кўплаб ютуқларни қўлга киритишмоқда. Жумладан 1993 йилнинг биринчи ярми якуни бўйича туманимиз тиббиёт ходимларининг иши юксак баҳоланди ва ўз кўрсаткичларимиз натижасига кўра биринчи ўринни эгалладик. Бу ютуқка туман ҳокимлигининг ғамхўрлиги, ҳўжалик раҳбарларининг, кишлоқ кенгашлари ва маҳалла кўмиталари, касаба уюшмаси

фаолларининг бевосита ёрдамлари тугайли эришилди.


Президентимизнинг она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтириш тўғрисидаги кўрсатмалари асосида туман ҳудудида яшовчи туғиш ёши ва ҳолатидаги аёллар тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди. Текширишда 60 фонз аёл ҳар хил касалликларга чалинганлиги аниқланди. Бундай бемор аёллар диспансер назоратига олинди, амбулатория ва стационар шароитида соғломлаштирилмоқда. Жойлардаги шифохоналарда аёлларнинг уй ва яшаш шароити ҳам ҳисобга олинган. Уларнинг кечқурун оиласи, болалари ёнида бўлиши учун кундузги стационарлар ташкил этилди. Эндиликда кўплаб оналар кундузги стационарларда ётиб сихатларини тикламоқдалар.

Кам қонлик ва камдармон хомилалар аёллар ва икки ёшгача бўлган кам қонли болаларни беҳул озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тўғрисидаги Президент фармонининг бажарилиши назоратда турибди. 1993 йилнинг ўтган етти ойи мобайнида 836 хомилалар аёлга қарийб 1,9 миллион сўмлик, 975 нафар икки ёшгача бўлган кам қонли болаларга 557 минг сўмлик беҳул озик-овқат маҳсулотлари берилди. Озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бу йил ўтган йилга нисбатан кескин яхшиланди.

Шу кунларда туман аҳолисига 360 дан зиёд тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатишмоқда. Булар орасида билимдонлиги, ҳушмуомалалиги, фидойилиги билан ўрнатилган меҳнат фахрийси, олий тоифали хирург Х. Хошимов, биринчи тоифали педиатр А. Абдумажидов, инфекционист Т. Тўрақулов, Қичанов ва Ульянов номи кишлоқ врачлик амбулаториялари мудирилари К. Абдуназарова, А. Қаюмов, туғруқхона дояси Ш. Сойипова, терапия бўлимининг ҳамшираси А. Помендюкова, тез ёрдам фельдшери С. Синаева, реанимация бўлимининг ҳамшираси Т. Бегимкулова, участка ҳамшираси Р. Саримсоқова, кичик тиббиёт ходимларидан Э. Хайриева, Н. Тўхтаева сингари ажойиб тиббиёт ходимлари борки, улар билан жамоа ҳар қанча фахрланса арзийди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш бундан кейин ҳам туман шифокорларининг асосий вазифаси бўлиб қолади. Республика семинар-кенгаши берган таъсия ва кўрсатмалар келгуси ишларда дастур бўлиб хизмат қилади.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» муҳбири.



КЕЛИНГ, ШИФО ТОПАСИЗ

Гулистон шаҳри марказида янги, замонавий поликлиника иш бошлади. Бу ерда даволаниш учун келадиган ҳар бир бемор учун шунчалар қулай шароит яратилган-ки, кўриб кишининг баҳри-дили очилади. Кираверишда фаввор, кенг ёруғ хоналар. Яхши муомала. Мураккаб жиҳозлар билан таъминланган даволаш хоналари...

Яна шуниси муҳим-ки, бу ерда Хитой халқ табobati ютуқларидан ҳам унумли фойдаланиш, яхши самарали даво олиш мумкин. Хитойлик шифокорлар бу ерда турли шифобахш утлардан тайёрланган дори-дармонларидан олиб келишган. Бу ерда яна нина билан даволаш, аниқ нуқталарни топиб уқалаш, жисмоний тарбия машғулоти орқали даволаш усулларидан фойдаланилмоқда.

Суратда: поликлиника ҳамшираларидан бири Муҳаббат Маматкулова. Б. ТўРАЕВ олган сурат (ЎзА).

ФАРЗАНДИМ, кўзим қароғи. Сенинг кулгуларинг мен учун ҳаёт булогидир. Сенинг тулгун чеҳрангдан шодланиб, бағримга боссам, бутун оламни кучгандек бўламан. Лекин, ногаҳон сенинг юзингда сўлгинлики, дард аломатларини кўрсатчи, шу дақиқада ноқ дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетади. Ҳа, она қалби жажжи фарзандининг осойишталиги билан тирик. Яқинда худди шундай бўлди. Уғлим Ак-

авлод саломатлигини сақлаш йўлида сидқидилдан меҳнат қиляпти. Авваломбор ҳушмуомала, ширинсухан ва меҳнатсевар шифокор ўз билимини тинмай ошириб боради. 1990 йилда Тошкентда малака ошириш курсида таҳсил олди.

Касби тумани Марказий касалхонаси болалар шифохонаси бошлиғи Рўзибой Содиков Парда Сафаровнинг иш фаолиятдан мамнулик оҳангидан ўз фикрини баён этди:

ШИРИНСУХАН ШИФОКОР

рамжон қаттиқ шамоллаб қолди. Иссиғи кўтарилиб кетди. Дарҳол дўхтир чақирдик. Болалар шифокори Парда Сафаровнинг меҳрибон, самимий инсонлиги, қўли энгиллиги тугайли кўрсатган тиббни муолажаларидан сўнг фарзандим ўзига келиб қолди. Шифокорнинг одамийлиги ва ўзгалар ташвиши билан ҳамнафас эканлиги бир умрга ёдимда қолди. Мен каби қанчадан-қанча оналарнинг нажоткори бўлаётган ширинсухан шифокор ҳақида халқ билмоғи, уни танимоғи ва ундан миннатдор бўлмоғи лозим.

Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Мўғлон кишлоғида таваллуд топиб, 1987 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳини тамомлаган Парда Сафаров шу она кишлоғининг келажаги бўлмиш ёш

— Парда Сафаров чаққон, ширин сўзли, ҳушмуомала шифокор бўлиш билан бирга аҳоли ўртасида юқумли касалликларни олдини олишда ва уни камайтиришда, санитария шароитларини яхшилашда намунали ишлар олиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Парда Сафаровга Касби тумани Марказий касалхонаси тиббиёт Кенгаши катта ишонч билдириб, уни I-даражали болалар шифокори деб тасдиқ этди.

Бир донишманддан «ғўзал ахлоқни неча нарсас билан ҳулоса қилсак бўлади?» деб сўраганларида, у киши «ўн нарсас бутун ғўзал ахлоқни ўз ичига олади», дедилар. Шулардан саккизинчиси дустингизга самимий бўлиш, деган ҳикमतдан иборатдир. Шу ўринда туман болалар шифохонаси-

нинг яна бир жонқуяр участка шифокори Олимжон Турсунов дўсти Парда Сафаровнинг ғўзал ахлоқли, самимий дўст, ишда, касб-корда ва ҳаётда маслакдош сифатида кадрлаши хусусидаги фикрларини баён қилди.

Касби тумани Марказий касалхонасининг оналар ва болалар муҳофазаси бўлими шифокори Фармон Худойбердиев П. Сафаровни эпчил ва меҳрибон шифокор бўлиш билан бирга жамоат ишларида ва тиббиёт кенгашларида фаол қатнашиб, соғломлаштириш ва профилактик ишларни яхши йўлга қўётганлигидан касалхона маъмурияти мамнун эканлигини таъкидлади.

Кишлоқ аҳолиси номидан Муҳаббат Рўзимуродова, Назира Бозорова ва Ҳайринисо Қурбонова ҳамда Мўғлон кишлоғидаги «Қалдирғоч» номи болалар боғчаси мудираси Ҳамрогул Қурбонвалар ўз фарзандларини ва боғча болаларининг саломатлигини мунтазам кузатиб бориб, турли хил касалликларнинг олдини олишдаги саъй-ҳаракатлари учун П. Сафаровдан чексиз миннатдор эканликларини айтдилар.

Дарҳақиқат, ҳеч кимга осмондан олтин ёғмаган ва ердан қумуш ўсиб чиқмаган. Олтин ва қумуш сизнинг ғайрат ва матонатингиз, ихлос билан қилган ишингиз ва унинг берган мўл-кўл ҳосилидир:

Кимки ғайрат ҳам матонат йўлига қўйса қадам қадам, Ишлари топгай ривожу эл қошида муҳтарам.

Зеро, онанинг тилаги Тангри томонидан вожиб бўлғусидир. Бир она сифатида Оллоҳ таолодан неча-неча гўдакларга шифобахш этаётган қўлларингиз дард кўрмаслигини, умрингиз асрларга қадавр узун бўлишлигига қарам этишларини сўрайман.

Норжон ЭШОНҚУЛОВА.

СОҲИЛДАГИ СИҲАТГОҲ

КОРХОНА жамоасининг таътил пайтларида кўнгили дам олишларини таъминлаш, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш учун Зарафшон соҳилида сихатгоҳ барпо этиш ғояси бундан саккиз йил бурун Навоний цемент заводининг собиқ директори Турғун Тошпўлатов томонидан илгари сурилганди. Директорнинг ташкилотчилиги тугайли орадан йил ўтар-ўтмас лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб қурилиш бошланиб кетди. Корхонанинг янги директори Фёдор Адам ва қурилатган сихатгоҳ бош ҳакими Шухрат Шариповлар Тошпўлатов бошлаган хайрли ташаббусни охирига етказишди. Шу йилнинг сентябрь ойида шаҳар четидан оқиб ўтадиган Зарафшон соҳилида тўрт қаватли кўркам сихатгоҳ ўзининг дастлабки дам олувчиларини қабул қилди.

Бу ерда асосан юрак-қон томир, асаб ҳасталиклари, ошқозон-ичак, жигар, шунингдек, ҳаракат органлари касалликлари билан оғриган кишилар ўз саломатликларини тиклаб оладилар.

Санаторийда бир йўла 100 киши ётиб, 30 киши қатнаб даволаниш имкониятига эга.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, сихатгоҳда оилавий бўлиб ҳам даволаниш мумкин. Бунинг учун санаторий ховлисида 6 та коттеж-уй бор.

Ризо ҲУДОЙҚУЛОВ,
«Ишонч» муҳбири.



Саволларга Ўзбекистон Автомобиль транспорти давлат-акционерлик корпорацияси бошқаруви раисининг ўринбосари Мансуржон Маҳмудович Алиев ва Тошкент метрополитени бошлигининг биринчи ўринбосари Маҳмуд Иброхимович Исроилов жавоб берадилар.

Қишлоқларда йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат савияси кўтариладими? Нима учун шаҳарлараро йўналишлардаги автобуслар қатнови камайиб қолди?

Б. АБДУЛЛАЕВ,
Фарғона шаҳри.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Йўловчилар транспортдан самарали фойдаланишни яхшилаш тўғрисида»ги масалани қайта кўриб чиқди. Қабул қилинган қарор Республика Автомобиль транспорти давлат-акционер-

лик корпорацияси бошқаруви кенгашида муҳокама қилинди. Қишлоқларда транспорт қатновини яхшилаш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, амалга оширилади бошланди. Шу кунларда кўпгина туманларнинг автокорхоналаридаги эски автобус-

лар ўрни хориждан олинган автомобиллар билан тўлдирилиб, кишлоқ аҳолисига намунали хизмат кўрсата бошлади.

Ҳозирги вақтда транспорт харажатлари кўтарилиб кетганлиги оқибатида шаҳарлараро йўналишлардаги йўловчилар сони жуда камайиб кетди. Шу боисдан бу йўналишларда қатнаётган автобуслар сони камайтирилди. Баъзи йўналишлар бўйича қатнов вақтинча тўхтатиб қўйилди. Бўшаган автобуслар шаҳар атрофи йўналишларида аҳолига хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда ёнилғи мойлаш маҳсулотларининг тақчиллиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Корпорация бу тақчилликнинг олдини олиш учун қандай тадбирларни амалга оширмоқда?

С. МУРОДХОНОВ,
Олмалик шаҳри.

Ёнилғи-мойлаш маҳсулотларининг тақчиллиги корпорация фаолиятига сезиларли равишда таъсир этмоқда. Нефть маҳсулотларининг нархи ошиб бориши давом этмоқда. Ҳозирги вақтда четдан олиб келинаётган бир тонна нефть маҳсулоти республика учун 400—500 минг сўмга тушмоқда. Корпорация четдан олинаёт-

ган ёнилғи миқдорини камайтиришни режалаштирмоқда. Бунга эришиш учун бу йил корпорация бўйича 2300 та автомобиль двигатели газда ишлашга мослаштирилди. Бу автобусларнинг 150 таси автобуслардир. Ёнилғи автобусларни ҳам ёнилғининг шу турига ўтказиш кўзда тутилмоқда. Ҳозирги вақтда корпорация

бўйича жами 7800 та автомобиль газ ёнилғисига ишлайпти. Ёнилғидан оқилонга фойдаланиш, тежамкорликка эришаётган ишчи ва хизматчиларни рағбатлантириш мақсадида «Ёнилғи-мойлаш материалларидан тежамлироқ фойдаланиш» танлови эълон қилинган. Ҳар уч ойда танлов якунланиб, тежамкорликка эришганлар тақдирланишади. Бу тадбир 10 ойда корпорация микросида 3 минг тонна бензин, 2 минг тонна дизель ёнилғисини тежаш имконини берди. Автомобилларни газ ёнилғисига ўтказиладиганлиги натижасида 46,5 минг тонна бензин иктисод қилиниб, кўпгина йўналишларда автобуслар қатновини яхшилашга сарфланди.

Метрополитенда машинистсиз бошқариладиган поездлар ҳаракати йўлга қўйиладими?

Ғ. АБДУҚОДИРОВ,
Тошкент шаҳри.

Шаҳримиз метрополитенида 1978-80 йилларда поездлар ҳаракати автоматик равишда бошқарилган. Ўшанда ҳар эҳтимолга қарши турли бахтсиз ҳодисалар содир бўлишини олдини олиш учун поезд кабинасига машинист ўтказиб қўйилганди. Унга фақат вагонларнинг эшикларини очиб ва ёпиш топширилганди. Поездлар ҳаракатини бошқарув пункт-

идан йўналтириш жараёнида машинистлар малакаси тақомиллаштириш ўрнига билган нарсаларини ҳам унутга бошладилар. Собик СССРнинг марказий шаҳарларидаги метрополитенларда поездлар ҳаракатида ноҳуш ҳодисалар содир бўлганда машинистлар поездни уддалай олмаганлар. Шундан сўнг барча метрополитенларда поездлар ҳаракатини маши-

нистсиз бошқаришга барҳам берилди.

Биз ҳам бошқа шаҳарлар метрополитенида содир бўлган воқеалардан тегишли хулоса чиқариб олгандик. Поездлар машинистсиз бошқарилганда маблағ иктисод қилинади. Бозор иктисодига ўтиш жараёнида тежалган маблағ ходимлар маошини оширишга сарфланган бўларди. Аммо метрополитен раҳбарлари одамлар саломатлигини ўйлаб, кўпчилик ҳаётини хавф остида қолиши эвазига тўланадиган маблағдан воз кечди. Бу билан тошкентликлар ва меҳмонларнинг метрополитенда хавфсиз юриши кафолатланмоқда.

Тошкент метрополитенига тушган йўловчилар навбатдаги поездни неча дақиқа кутishi керак? Метрополитендаги поездлар қатновининг жадвали қандай тартибга асосан тузилади?

Р. ИБРОХИМОВ,
Тошкент шаҳри.

Метрополитендаги поездлар қатновининг жадвали шаҳар меҳнатқашлари ва меҳмонларнинг бекатларда тўпланиши кўп марта кўзатилиш натижасида бел-

гиланган. Йўловчилар кўп бўлган вақтларда поездлар ҳаракати орасидаги вақт қисқартирилади. Чилонзор йўлида эртада соат 5.00 дан 7.40 гача, кеч соат 19.00 дан

24.00 гача поездлар ҳар 7—8 минутда, одамлар қатнови кўпайган вақтларда 2,5—3 минутда қатнайди. Кундуз кунлари поездлар қатнови орасидаги фарқ 4—5—6 дақикани ташкил қилади.

«Халқлар дўстлиги», «Туркистон» каби саройларда катта концертлар қўйилган, «Пахтакор» ўйингоҳида футбол бўладиган, шаҳар микросида йиғилишлар ўтказиладиган кунлари метрополитендаги поездлар қатнови маҳсул жадвал асосида ташкил этилади.

Республика автомобиль транспорти давлат-акционерлик корпорациясида чет давлатлардаги транспорт корхоналари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилганми?

И. ХОЛХУЖАЕВ,
Андижон шаҳри.

Корпорацияда чет давлатлардаги транспортчилар билан алоқа ўрнатиш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Хориждаги ҳамкасблар тажрибаси ва илғор усуллари ўрганилмоқда. Бунинг учун «Ўзхорижтранс» бирлашмаси ташкил этилди. Бирлашма қошида эса «Ўзбек-Хитой» савдо транс», «Ўзбек-Афғон» қўшма корхоналари тузилган. Шофёрлар бу корхоналарнинг юкларини ташимокдалар. Яқинда Хитой давла-

ти билан автомобиль қатновини йўлга қўйиш борасида бир фикрга келинди. Яқин кунлардан «Тошкент-Урумчи» йўналишида автобуслар қатнови йўлга қўйилади деган умиддамиз. Шунингдек Туркия, Жанубий Кореялик ҳамкасблар билан ҳамкорлик қилинмоқда. Бу давлатларнинг муҳандислари олинган автобусларнинг техник ҳолатини яхшилаш ва унумли фойдаланиш борасида яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Республика шаҳар ва вилоятларида жами неча автобус йўналишлари бор? Бу йўналишларда қанча автобус қатнамоқда?

Ҳ. ПАРДАЕВ,
Бўка тумани.

Республика Автомобиль транспорти давлат-акционерлик корпорациясида 3457 та автобус ва маршрутли такси йўналишлари бор. Бу йў-

налишларда бир кунда 8500 та автобус ва кам сифмли автомобиллар аҳолига хизмат қилмоқда.

Шаҳар ва унинг атрофидаги йўналишларда автобуслар қатнови ҳамда уларнинг тобора кўтарилиб бораётган нархлари ҳақида маълумот берсангиз?

С. ИНОМЖОНОВ,
Урта Чирчиқ тумани.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Шаҳарда ва шаҳар атрофида қатновчи транспортда йўловчи ташиш тарифлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Шаҳар атрофида йўловчи ташиш тарифларининг чекланган миқдорлари 2,5 баробар оширилди. Шаҳар транспортда автобус, трамвай, троллейбус, метро-

да юриш 30 сўм қилиб белгиланди. Шаҳар атрофи йўналишларида қатновчи автобусларда йўл ҳақи ҳар бир километрга 5 сўм, юмшоқ ўриндикли автобусларда 7,5 сўмни ташкил этади. Шунда ҳам транспортларда битта йўловчини ташиш учун давлат томонидан берилган дотация (ёрдам) 15 сўмни ташкил этмоқда.

Йўловчиларни бир манзилдан иккинчи жойга элтаётган автомобиль транспортлари қаторига чет элларда ишлаб чиқарилган автобуслар қўшилмоқда. Йўловчилар учун қулай бўлган бу автобуслар қайси давлатлардан олинмоқда?

Э. ЭРМАТОВ,
Урганч шаҳри.

Бу йил республикамиз ҳукумати йўловчиларга қулайлик туғдириш учун давлат кредити ҳисобига тузилган битимлар асосида «Ўзавто-транс» корпорациясига Туркиядан 87 та «Мерседес-Бенц Турк» 192 та «Белде—214-17». Жанубий Куриядан 247 та ДЭУ 113» автобуслари

олиб келинди. Шунингдек, 530 та «Доган» маркали ёнилғи автобуслар харид қилинди. Йўловчилар учун кўпгина қулайликларга эга бўлган бу автобус ва ёнилғи машиналар республикамизнинг барча вилоятларида аҳолига хизмат қилмоқда.

Тошкент метрополитенида ҳам кўп марта фойдаланиладиган жетон бўладими?

Ф. КОМИЛОВА,
Тошкент шаҳри.

Яқин кунларда кўп марта фойдаланиладиган магнит чипталари жорий этилади. Метрополитен бекатларидаги назорат ўтказиш йўлакларининг иккитасига магнит чипталарга автоматик

маҳсуе белги қўядиган аппаратлар ўрнатилади. Йўловчилар бекатлардаги кассалардан 10, 20, 30, 40, 60 марта фойдаланиладиган магнит чипталарини сотиб оладилар.

© Саҳифани муҳбирлар билан ишлаш бўлими тайёрлади.



ЗОМИН халқ боғи ҳақида ёзиш режада бўлмаса-да, сафар таассуротини янада бойитишни назарда тутиб, таклиф этилган машинага ўтирдик. Орадан кўп ўтмай тоғ қоялари оралиғида барпо этилган Зомин сув омборини ортда қолдириб, туя ўрқачига ўхшаш қиялик билан чўкки томон кўтарила бошладик. Қутилмаган учрашув, баланд қояларда табиат сехри билан пайдо бўлган турли кўринишлар кишини ўзига мафтун этиб, беихтиёр суҳбатга чорларди. Суҳбатдошимиз Умнаткул Маматқулов халқ боғи ва тоғлар ҳақида тўлқинланиб сўзларди:

— Зомин халқ боғи ташкил этилганда тоғлардаги табиатни тўла кўриқлаш, меҳнатқашларнинг қисқа муддатли дам олишини ташкил этиш назарда тутилган. Боғга Табиатни муҳофаза этиш Халқаро Иттифоқи Бош ассамблеясининг «Миллий боғлар» ҳақидаги Низоми асос қилиб олинган. Шунга кўра саёҳатчиға халқ боғининг манзарали жойларида бўлишга рухсат берилди. Барча табиий ёдгорликларнинг сақланиши назоратга олинади. Боғ ҳудудидаги шаршаралар, сойлардан ўз ичига олган сув йўллари табиат инъоми бўлган чўкқилардаги турли шакллар инсон фаолияти билан ўзгариб кетишининг олдини олиш кўзда тутилган.

Боғдаги арчазорлар, Қирқиз қоясидаги кўринишлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг барча турлари муҳофаза этилади. Аҳоли ўртасида табиатни кўриқлаш қояларини боғда содир бўлган воқеалар мисолида тарғиб қиляпмиз. Улар она диёр табиатини муҳофаза этиш муаммолари билан таништирилмоқда. Саёҳатчиларнинг талаблари асосида маршрутларга ўзгаришлар киритяпмиз. Боғнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини бошқа жойлардан олиб келинадиган ноёб турлар ҳисобига кўнайтиришни режалаштириб қўйганмиз.

— Боғ ҳудуди катта йўллар билан боғланганими? Дам олувчилар шун қандай шароит яратилган?

— Боғга Зомин ва Бахмал туманлари орқали келиш мумкин. Йўлга асфальт ётқизилган. Бу йўл Уринли, Шариллақ сойлари орқали ўтиб, Супа текислиғига чиқади. Чортанги дараси бўйлаб Қашқасув, Қизилмозор, Қўқсой сойлиғига боради. Боғ ҳудудида Еттикечув, Қоронғисой, Токтерак, Уринли кишлоқлари бор. Боғга Зомин орқали борган дам олувчилар 59 ки-

лометр, Бахмал туманидан ўтувчилар 50 километр йўл юришади. Бундан кўриниб турибдики, республикамизнинг барча шаҳар ва кишлоқларидан боғга саёҳат уюштириш мумкин. Халқ боғи ҳудудида дам олувчилар диёримизнинг дунёнинг ҳеч қайси жойида такрорланмас кўринишлари, гўшалари борлигини билиб ҳайратга тушадилар. Табиат мўъжизалари олдида лол қоладилар. Ўриклисойда таомлар тайёрлаши, чой ичиб, ҳордиқ чиқариш учун шароит яратилган. Икки йилдан буён ҳар бир дам олувчи боғ ҳудудида бўлгани, ҳордиқ чиқаргани учун

лар, ўрта қисмида айик, бўри, тўғиз, қуёнлар макон топишган. Пастки минтақада эса жайра, тулкилар яшашиди. Тоғларга уя қўйиб кўпаядиган қушларнинг 70 дан ошқиган тури бор. Бу ҳудудда ов қилиш таъқиқланиб, ҳайвонлар кўпайишига шароит яратилган. Қиш фаслида ҳайвонларга омухта ем берилди.

— Саёҳатчилар боғнинг қаерларида сайр қилишлари мумкин?

— Зомин тоғида халқ орасида Супа деб ном олган кенг текислик бор. Бу майдонни кўрган киши инсон меҳнати билан барпо этилган деб ўйлаши

Супа Табиат Инъомиди

Биз Хўжамушкент қишлоғининг тоғ ён бағирларида янгидан берпо этилаётган 930 гектарлик пастазорда бўлиб, ўрмончилар билан суҳбатлашдик. Бир олам таассурот билан Зомин орқали Жиззахга кетаётганим, йўлда баланд бўйлик, кенг елкали йиғит билан учрашиб қолдик. У ўзини Умнаткул деб таништирди. Гап орасида Зомин халқ боғининг директори бўлиб ишлашини айтди. Қўшни вилоятнинг ўрмон хўжалигида бўлганимиздан хабар топибди. «Зоминда бўлиб, халқ боғида бўлмай кетишни тасаввур қилолмайман. Яхшиси тоғларимиз ён бағрида бўлиб, арчазорлар манзараси, амалга ошираётган ишларимиз ва муаммоларимиз билан газетхоналарни таништирсангиз», — деб қолди.

20 сўмдан пул тулайди. Ҳар бир машина учун 100 сўмдан маблағ олинмоқда. Бу маблағнинг 50 фоизи туман бюджетидеги камоматни тўлдирмоқда. 50 фоизи эса бизнинг ихтиёримизда қолмоқда. Иккита дам олиш зонасини ободонлаштиришга сарфланмоқда. Шу маблағ эвазига ҳар бирда 10 нафар одам дам оладиган учта кўчма шийпон қурилди.

— Боғнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳақида гапириб берсангиз.

— Боғнинг ўсимлик дунёси ранг-баранг. Шунинг учун ҳар бир киши диққатини ўзига тортади. Асосан тоғ ва тоғ олди минтақасига мансуб ўсимликлардан ташкил топган. 31503 гектар майдоннинг 60 фоизга яқинини арчазорлар ташкил қилади. Тоғда асосан Туркистон, Зарафшон ва Совур арчалари бор. Улар орасида 500 ёшдан кўп умр кўрган арчаларни ҳам учратиш мумкин.

Боғ майдонида жами 50 хилдан кўпроқ ўсимлик тури ўсади. Буларнинг 27 хили доривор ўсимликлар ҳисобланади.

Тоғнинг баланд жойларида кийик-

мумкин. Аслида Супа тоғидаги табиат инъомидир. Шу ердан саёҳатчилар маршрутлар бўйлаб жўнаб кетишади. Супага бораверишда Тошбулоқ бор. Тошлар орасидан езилиб чиқаётган сўнги йўлдан киши чанқоғи босилади. Водийнинг Оқманқал қисмида ҳарорат салқин бўлиб, ёзда ҳам дўл ёғиб туради. Меҳмонларимиз қалин ўрмон билан қопланган Учўчоқ, Қўқбулоқ, Жондарлисойнинг ажойиб манзараларини кўриб, табиат мўъжизалари олдида лол қолишади. Чортанги дарасида бўлишади. Дара қояли тош девор билан ўралган. Даранинг чуқурлиги 300—400 метр, унинг тубида бир тегирмонни юритадиган сув оқиб туради. Саёҳатчилар Қашқасув сойида, Кобулган, Еттикечув водийларида бўлишади.

— Арчазорларни кўпайтириш чоралари кўриляптими?

— Бу йил қадимги вақтларда қалин игна баргли дарахтлар билан қопланган, турли сабаблар билан яланглик бўлиб қолган 50 гектар майдонга халтачада арча кўчатлари ўтказилди. Юз минг дона терак қа-

ламчаларининг кўкаришига шароит яратилди. Ўтган йили 0,30 га майдонга арча уруғи сепилган. Ҳозир майсалар кўкармоқда. Бу кўчатлар ҳам боғ ҳудудида ўтказилиб, диёримиз ҳуснига кўрк ато этади.

— Муаммолар ҳам борми?

— Бир вақтлар «Жиззахстепстрой» ўз одамларининг дам олиши учун 4—5 хонали ўндан ошқиган бино қурганди. Беш-олти йилдан буён бу бинолардан ҳеч қандай хабар олмади. Учарлар аллақачон эшик-даразаларини олиб кетиб қолишган. Шу биноларни халқ боғи ихтиёрига ўтказиш ёки сотиш масаласи ҳал бўлмапти. Ташлаб кетилган бинолар боғ ҳудудида бўлган, уларга биз эгалик қилишимиз керак.

— Ўрмончиларнинг иш фаолияти жараёнига тўхталсангиз?

— Уч ёки беш минг гектар майдондаги арчаларга биттадан ўрмон қоровули бор. Улар ёнғининг олдини олишади. Чунки ўрмонда рўй берган ёнғин оқибатида дарахтларгина эмас, ҳудуддаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам талофот етади. Ундаги жонивор ва ҳайвонларнинг бир қисми уясига ўт тушиб нобуд бўлса, кўпчилиги бошқа жойга кўникалмаб қийинади. Уруғидан кўпаядиган ўт ўлавлар ёнса, дарахтларнинг илдизлари кўкарувчанлик ҳолатини йўқотади. Ёнғин бўлган ҳудуд яланглик бўлиб, ўсимлик ўсмай қолади. Ҳар бир саёҳатчи билан ёнғин ва унинг оқибати ҳақида суҳбатлашамиз. Саёҳатчилар инсон ҳосил қилишлари учун 4—5 йил олдин ёнғин бўлган, ялангликка айланган майдонни кўрсатишади. Ораликдаги 4 гектар майдонда ёнғиндан сўнг харсанг тошлар қолган, холос. Бу табиатга нисбатан бефарқлик қилган дам олувчининг чекиши оқибати эканлигини сўзлайди. Қоровулларимиз давлатга топшириш учун қорақанд, зира, кийик ўти, чой ўти теришади. Арча уруғларини саралашади. Гоҳида дайди овчилар ва доривор ғиёҳларни териб юрган ўзбошимчаларнинг ўлжаларини тортиб олишади. Бир сўз билан айтганда, ўрмон ва ундаги жониворлар тинчлигини кўриқлаш, ҳар қандай кишини ром этувчи гузал манзаралардан келажак авлод баҳраманд бўлишини таъминлаш ўрмон қоровулларимизнинг фаолиятига боғлиқ.

Суҳбатдош
Самдазим ШАРОҲОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

— МАНА БУ сув ҳавзаси балиқ кўпайтирадиган инкубатор бўлади, — деди Юрий Аватольевич Федоров, — келгуси йилгача 15 миллион дона майда балиқ етиштирамиз. Кейин уларни катта қўлга ўтказамиз.

Сирдарё вилоятидаги Оқолтин ун комбинати табиатни муҳофаза қилиш, балиқчиликни ривожлантириш бўйича яхши ишлар қиляпти. Бу ишда уларга табиатни кўриқлаш вилоят кўмитаси ёрдам бермоқда. Масалан, 1992 йилда кўмига ташаббуси ва ҳомийлиги билан шолипоярлар, сув тошган кичик ҳавзалар, ариқлардан бир ярим миллион дона майда балиқ тутилиб, Сирдарё ва қўлларга ташланди. Шу балиқчаларнинг бир қисми Оқолтин ун комбинатиға қарашли балиқчилик хўжалиғига берилган эди. Ҳозир бу балиқлар ўртача бир килограммга етди.

Ун комбинати ихтиёрида 170 гектарлик кўл бор. Сайхунбод райони ҳудудидаги бу кўл илгари эгасиз эди. Ўтган йилдан бошлаб Аскар Алламуродов директорлик қилаётган комбинат бу кўлнинг ҳақиқий эгасига айланди. Ҳозир кўлда сув бирмунча камайиб, 90 гектар майдонда балиқ ўстириляпти. Келажакда кўл сатҳидан тўла фойдаланиладиган бўлади. Шу мақсадда қатор тадбирлар амалга ошириляпти.

Юқорида балиқ инкубаторини эслатган эдик. 12 гектарлик балиқхона қурилиши битай деб қолди. Унга яқин қўлларда сув қуйилади. Лекин бу ҳавза учун ёнғинидаги канал шаклидаги кичик ҳавзада балиқ сақланмоқда. Бу йилги «балиқ» операцияси давомида яна юз минглаб майда балиқлар тутилиб, шу ҳавзага



ташланди. 12 гектарлик ерга сув қўйилиши билан бу балиқлар ўтказилади ва 15 миллион дона майда балиқ етиштириш учун қўшимча чоралар кўрилади.

Ю. А. Федоров ун комбинати балиқчилик хўжалигининг бошлиғи. Биз кўлга борганимизда у ўз балиқчилари билан иш устида экан. Александр Синякин билан Виталий Бреусов суви қуриб қолаётган жойлардан майда балиқларни тутиб, аввал челакларга, кейин мажус цистернага ташлашаётган экан.

Федоров бошлиқ балиқчиларнинг бу йилги режаси катта эмас. Улар ўн тонна балиқ

тутиб сотувга чиқаришмоқчи. Аслида балиқ кўп. Лекин уларни йириклаштириш ва урчатиб кўпайтириш керак. Шу сабабли бу йилги режа кичикроқ. Аммо 1994 йилда комбинат кўлидан олтмиш тонна балиқ олиш мўлжалланмоқда.

170 гектарлик кўлдан самарали фойдаланиш мақсади-

да унда ўрдак боқишга қарор қилинди. Ҳозир алоҳида жойда мингдан ортиқ ўрдак боқилляпти. Баҳорда улар катта қўлга қўйиб юборилади. Улар шу ерда бола очилиб, кўпайиб бораверади.

Комбинат учун, умуман, табиатни кўриқлаш вилоят кўмитаси учун муаммо бўлиб турган бир нарсаси балиқ ва ўрдак ўриларидир. Сирдарёга, хусусан ун комбинати сув ҳавзаларига турли жойлардан, асосан, Тўшкентдан қонунбузар «овчи»лар кўп келишади. Уларга қармоқ билан балиқ овлашга рухсат берилган. Бироқ нафси ҳаққалак отган одамлар қармоққа қаноат

қилишмайди. Улар тўр ва санчқилардан, ҳатто портловчи шишалардан фойдаланадилар. Шу сабабли кўриқчиларни кўпайтириш зарурияти туғилди. Бунинг учун қўшимча маблағ керак.

Қўл-роқ аенгайиб, гоҳ тора-йиб, илон изи бўлиб бир неча километрга қўзилган. Унинг ён-тевараги қалин қамишзорлардан иборат. Бу ҳолат

дан четда қолган экан. Қўлларнинг бирида Николай Закутний катта-катта балиқларни рухсатсиз тутиб олган кишиларга учрабди-да «менга балиқ сотинглар» дебди. Улар аввал кўшимча мабодо Закутний юборган одам бўлмасин деб қўйибди. Кейин рози бўлишди, ўн килолик балиқни кўрсатишибди.


— Буниси яхши, — дебди сотиб олувчи, — лекин менга кўпроқ керак. Узюкка олиб кетаман. Катталаридан топинглар.

Уттиз килолигини кўрсатибди. Яна, яна.

Савдо пишғач, қонунбузарлар харидорни қоширишибди. — Тезроқ кетинглар, ланнати Закутний келиб қолса, адабимизни бериб қўяди. Шундагина Закутний ўзини таништирибди ва шошилмай акт тузибди.

Биз рейдга чиққан кун икки браконьер қўлга тушди. Улар аввал мотоциклда қочишга уриниб кўрдилар. Бироқ Закутний улардан эпчилроқ бўлиб чиқди. Ов қуроллари тортиб олиниб, ўзларига жарима солинди. Сирдарёда табиатнинг шундай кўриқчилари бор экан, уни асраш ва келгуси авлодга соғлом етказиш мумкин.

— Бўш келма, Закутний!
Самдазим ШАРОҲОНОВ,
«Ишонч» мухбири.



БАХТ комуси яратилганига бир йил тўлди. Бир йил — минг йилларга такалувчи кўхна заминимиз тақдирда бир зарра холос. Лекин, шу заррада аждодлар нигоҳи, авлодларимиз умиди жамланган.

Зеро, халқини озод кўрмоқчи бўлган Широқ, Тўмарис. Спитамен рухлари Турон заминини бирлаштира олган Амир Темур ўғитлари доврўғи жаҳонга танилган Мирзо Бобур салтанати ушбу Она Ватанда яралган. Эндилкда авлодларимиз учун биздан қандай давлат мерос бўлиб қолишига боғлиқ. «Биз курадиган жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини қафолатлаши, миллий кадрларимиз, маданиятимиз қайта тикланишини инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак, биринчи Конституция шу эзгу мақсаднинг ҳу-

кукийқафолати бўлажак» деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Президенти И. А. Қаримов. 1991 йили ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси маънавий-маданият тарғибот маркази миллий маданиятимиз, кадриятимизни тиклашни ўзининг энг асосий вазифаси деб билади. Марказ икки

Шу йилнинг апрель-сентябрь ойлари сарҳисобида марказимиз юқоридаги йўналишлар асосида республика ҳудудидаги 12 та вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасида 512 та туркум тadbирлар — 16 та халқ сайллари, 283 та давра сўхбатлари, 112 та учрашувлар, 33 та маъру-

Яссавий, Баҳоуддин Накшбанд, Маҳдуми Аъзам сиймолари чизилди, тўртта фотоальбом тайёрланиб, ўтказилган тadbирлар тасмалари тасвирга туширилди.

Мустақиллик шарофати туфайли вужудга келган ташкилотимиз тақдири ҳақида Конституцияда шундай бандлар борки, улар йўриқнома вазифасини ҳам ўтайди. Унинг келажакдаги фаолияти Конституция муқаддимасида кайд қилиб ўтилгандек «Хозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда» миллий кадриятлар ва маънавиятимиз дурдоналарини янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда халқ орасида кенг кўламда тарғиб этишдан иборат.

Раҳмон МАДҒОИБОВ,
Республика маънавий-маданият тарғибот марказининг етакчи мутахассиси.

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ БИЛАН...

асосий йўналишида иш олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган:

1. Шарқ мутафаккирларининг илмий-адабий ва инсонпарварлик руҳидаги илмий-фалсафий меросини тарғиб этиш;

2. Ўлкамизнинг халқлари маънавий маданият кадриятлари, маросимлари ва маънавиятларини оммага кенг ёйиб бориш.

залар, 65 та савол-жавоб кечалари, 3 та илмий-амалий анжуман, бир услубий семинар ўтказди. Республика радиоси орқали 30 марта эшитириш берилди, маънавиятимиз тарғиботида бағишланган туркум телекўрсатувлар ташкил этилди. Ўтган давр ичида 2 та китоб, 4 та рисола нашрга тайёрланди. Маънавиятимиз буюк сиймолари Хўжа Ахрор Валий, Аҳмад

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК САМАРАСИ

КАСАБА уюшмаларининг тармоқлараро И Республика Спартакиадаси давом этаяпти. Бухоро шаҳридаги «Ёшлик» спорт уйида волейбол бўйича эркалар командалари мусобақалари бўлиб ўтди. Бунда саккизта команда, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг меҳнаткаш вакиллари иборат энг ғолиб командалари учрашдилар. Моддий маблағ тақчиллиги туфайли Сирдарё, Жиззах, Фарғона вилоятлари вакиллари ушбу ўйинда иштирок эта олмадилар.

Мусобақа қатнашчиларини Бухоро вилояти касаба уюшмалари кенгаши вакиллари табриклар, эсдалик совғалари ҳадя этдилар. Ўйинлар қизгин кураш билан ўтди. Команда аъзолари турли соҳаларда хизмат қилсаларда, спорт техникасини мукамал эгаллаганликларини ва ўйинга пухта тайёргарлик кўрганликларини исботладилар.

Биринчи ўринни Самарқанд вилоятининг «Кина» ишлаб чиқариш бирлашмаси командаси (тренер А. Н. Ким) спортчилари эгалладилар. Иккинчи ўринни эса Наманган вилоятининг халқ маорифи ва фан ходимлари касаба уюшмалари вакиллари ташкил топган коман-

даси (тренер Т. Исабоев) ва учинчи ўринни Бухоро тўқимачилик комбинати ишчиларидан иборат команда (тренер С. Ф. Дюлин) олдилар.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларининг командалари ўйинлари ҳам томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Танаффус пайтларида мусобақа қатнашчилари иштирокида тош кўтариш бўйича ҳам беллашув бўлди. Бир кўли билан 16 килограммлик тошни 64 марта кўтарган Наманганлик Ботир Охунов биринчи ўринни олди. 41 марта тош кўтарган қашқадарёлик Нуриддин Ҳушиев иккинчи ўринни, 33 марта тош кўтарган Самарқандлик Юрий Кочнев учинчи ўринни эгалладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йилги спорт мусобақаларига тармоқлараро касаба уюшмалари ташкилотлари каттагина маблағ ажратганликлари ва команда аъзоларининг ўйинларга пухта тайёргарлик кўрганликлари туфайли волейбол бўйича спорткиада мусобақалари жуда қизгин ва самарали якулланди.

А. ЗАСТЕБА,
Ўзбекистон Республикаси
касаба уюшмаларининг
физкультура ва спорт
жамияти бош мутахассиси.



Соқинлик.

Тургунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Қатрлар

ҲАСАД ПАРДАСИ

Таниқли полвоннинг курашда омади келиб, не-не рақибларини доғда қолдирди. Иқитди-ю йиқилмади. Рақиблардан бирининг оғайниси полвоннинг ютуғига тан бериси келмай, жимгина иржайди...

Тасодиф юз берди. Кураш майдонидан мардона чиқиб келатган полвон беҳосдан тийганиб, чўккалаб қолди. Халиги иржайган мазза қилиб кўлди.

Шундайлар бор: Тогдек ютуғининг ҳасад пардасига яшириб, заррадек нуқсонингдан «туя» ясайди.

Ғани АБДУЛЛАЕВ,
боғбон.

ЛАМПОЧКА ВА ШАМ

— Мен ёниб ёруғлик беряман-ку, сенинг нама керагинг бор? — деди лампочка.

— Керакдирманки, эгам мени олиб келган, — жавоб қилди шам.

Ногаҳон эсган шамолдан электр сими узилди. Ҳаммаёқ зимистон. Хонадондаги иш чала қолди. Ҳиёл вақу йтмай шам ёнди. Ёруғидан ҳаракатлар яна ўз меъёрида қайфиятлар чоғ.

— Бошда билмай гапирган эканман... — деди лампочка шамнинг ёруғида ўзини кўради.

— Ёруғ кўларинг йтаберади. Иложсиз қолган кўнингга мен яраганимдан ҳурсандман, — деди шам ҳам.

● Газетага 1991 йил 8 январда **Формати А-3 ҳажми 2 босма та-** **нашриёт-матбаа концерни. Кор-**
Ўзбекистон Матбуот Давлат қўми- **боқ.** **хона манзили: «Буюк Турон»**
таси томонидан 00068 рақамли **● Ўзбекистон Республикаси** **кўчаси, 41-уй.**
гувоҳнома берилган. **● Президенти Маҳкамаси Ишлар** **● Буюртма Г-712 123456**
● Офсет усулида босилди. **● бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ»**

Ишонч

БОШ МУҲАРРИР

ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АҚРОМОВ
(бош муҳаррир муовини),
Абдуманноп АЛИМБОВ,
Мухаммадлатиф ЖУМАНОВ,
Тургунбой МАДИЕРОВ,
Турғун НАЗАРОВ
(масъул котиб),
Абдурашул РЎЗМАТОВ,
Саминжон СУЛТОНОВ
(вилоят муҳбири),
Мухайё ТЎЛАГАНОВА,
Шабот ХЎЖАЕВ,
Санобар ХЎЖАЕВА.



- Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини 56-52-89
- Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

- Касаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт — 56-82-79.
- Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
- Муҳбирлар билан ишлаш — 56-82-79
- Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТЛАРДАГИ

МУҲБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-32-24;
- Бухорода — 3-50-10
- Гулистонда — 2-10-02;
- Жиззахда — 2-31-44;
- Навоийда — 3-52-99;
- Наманганда — 6-22-10;
- Нукусда — 4-19-97;
- Самарқандда — 35-64-22;
- Термизда — 2-70-07;
- Тошкентда — 56-82-79;
- Фарғона — 4-28-29
- Урганч — 6-03-40
- Қаршида — 5-33-71;

● Муҳарририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят востачилик қилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



Сотувда эркин нархда.

- ШАНБА кунлари чиқади.
- Босишга 10 декабрда топширилди.
- Навбатчи масъуллар:
Турғун НАЗАРОВ,
Тожибой АЛИМОВ.
- МАНЗИЛИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.
- 63660 нусхада босилди.
- Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.